

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
“ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛТЕТИ
“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ

Т У Ш И Н Т И Р И Ш Х А Т И

Диплом лойиҳасининг мавзуси: “Асбобсоз” МЧЖ шароитлари учун “116.07.01 Колонка” деталини тайёрлаш технологик жараёнини ва операцияларининг технологик таъминот воситалари конструкцияларини ишлаб чиқиш.

Йўналиш: Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш.

IV курс 116-14 гуруҳ талабаси:	Б.Б. Эрмаматов
Кафедра мудири:	Х.У. Акбаров
Рахбар:	М. Қобулов
Маслахатчилар:	
Технологик қисми:	М. Қобулов
Конструкторлик қисми:	М. Қобулов
Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми:	П. Тошев
Иқтисодий қисми:	А. Сотволдиев

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
“ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛТЕТИ
“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ
ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

Т О П Ш И Р И Қ

Эрмаматов Бахтиёржон Баходиржон ўғли

1. Диплом лойиҳасининг мавзуси:

“Асбобсоз” МЧЖ шароитлари учун “116.07.01 Колонка” деталини тайёрлаш технологик жараёнини ва операцияларининг технологик таъминот воситалари конструкцияларини ишлаб чиқиш.

Институт бўйича 2018-йил 17-апрелдаги 88-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, илмий-техник адабиётлар, ўқув қуланмалар, интернет маълумотлари, детал ишчи чизмаси, ишлаб чиқариш дастури.

3. Тушинтириш хатида келтириладиган маълумотлар:

1) Кириш. Ўзбекистон Республикасининг ривожланишида машинасозлик саноатининг рўли ва аҳамияти, қарор ва фармонлар, диплом лойиҳасининг мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумотлар ёритилади.

2) Умумий қисм. Деталнинг хисмат вазифаси, ишлаб чиқариш турини аниқлаш, детал конструкциясини технологикликка таҳлили ва бошқалар.

3) Технологик қисм. Заготовка олиш турини танлаш, технологик жараён маршрутини ишлаб чиқиш, заготовкага ишлов беришда қўйим ҳисоби, кесиш маромларини ҳисоблаш, вақт меёрини ҳисоблаш.

4) Конструкторлик қисм. Дастгоҳ мосламаси, кесувчи асбоб ва ўлчов воситаларини бани ва ҳисоблари.

5) Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми. Лойиҳаланаётган ишчи жойини меҳнат шароитларини таърифи, ишлаб чиқариш жойида ёритиш тизимини танлаш, вентиляция тизимини танлаш, электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, алоқа ёнғин сигнализация тизими ва бошқалар, меҳнат хавфсизлиги бўйича барча талаблар ва қонун қоидалар.

6) Иқтисодий қисм. Технологик жараённинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

7) **Хулоса.** Бажарилган диплом лойиҳаси бўйича хулосалар ва таклифлар ёритилади.

8) **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.** Бажарилган диплом лойиҳаси бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхати тузилади.

9) **Иловалар.** Спецификациялар ва технологик жараён ҳужжатлари.

4. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати:

1. Загатовка ва детал чизмалари. (A2)
2. Технологик созлаш эскизлари. (A2)
3. Технологик созлаш эскизлари. (A2)
4. Дастгоҳ мосламаси чизмаси. (A2)
5. Кесувчи асбоб чизмаси. (A2)
6. Ўлчов воситаси ёки механик йиғув цех режаси (План). (A2).

5. Диплом лойиҳасининг бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом лойиҳасининг қисмлари	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг фамилияси ва исми
1	Технологик қисми	11.01.18 й.	14.04.18 й.		М. Қобулов
2	Конструкторлик қисми	14.04.18 й.	10.05.18 й.		М. Қобулов
3	Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми	10.05.18 й.	21.05.18 й.		П. Тошев
4	Иқтисодий қисми	10.05.18 й.	21.05.18 й.		А. Сотволдиев

6. Топшириқ берилган сана:

11.01.2018 й.

Диплом лойиҳасини ҳимоя қилувчи:

Б.Б. Эрмаматов

(имзо)

Раҳбар:

М. Қобулов

(имзо)

Кафедра мудири:

Х.У. Акбаров

(имзо)

Мундарижа

КИРИШ	5
2. УМУМИЙ ҚИСМ.....	7
2.1. Детални хизмат вазифаси.....	7
2.2. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш.	7
2.3. Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари.....	9
3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.....	12
3.1. Заготовка турини танлаш ва уни олиш усулини аниқлаш.	12
3.2. Технологик жараён маршрутини ишлаб чиқиш.	13
3.3. Заготовкага ишлов беришда қўйим миқдорини ҳисоби.....	15
3.4. Кесиш маромларини ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш.....	20
3.5. Сарфланган техник вақт меъёрини аниқлаш.....	37
4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ.....	43
4.1. Дастгоҳ мосламасининг лойихалаш ва ҳисоблаш.....	43
4.2. Назорат мосламасини баёни ва ҳисоби.	43
4.3. Кесувчи асбобни баёни ва ҳисоби.	44
5. МЕХНАТ МУҲОҲАЗАСИ (<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>) бўлими.....	46
5.1. Ишлаб чиқариш жойидаги ёритилиш тизими.	47
5.2. Шамоллатиш тизими.	49
5.3. Электр хавфсизлиги.....	50
5.4. Ёнғин хавфсизлиги.	51
5.4. Ишчи ва хизматчилар сони.....	52
5.5. Бўлим майдонини ҳисоби.	54
6. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	55
7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	60
8. Спецификация.	62
9. Иловалар.....	63

КИРИШ

Иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун итисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификатсия қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини, бу ўринда, мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Саноатнинг турли тармоқларини машинасозлик янги техника ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, барча соҳаларини ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқиб саноатни ривожлантириш бўйича комплекс чора тадбирлар қуйидагиларни ҳал қилишга қаратилган: корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мосланувчан технологияларни кенг жорий этиш; қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Замонавий ва рақобатдош машиналарга юқори аниқлик ва тезлик, иссиқликка чидамлилиқ, кичик вазин ва ҳажм, мустаҳкамлик ва ишончлик каби юқори талаблар қўйилган. Бундай талабларни ошиб бориши машинасозлар олдида мураккаб конструкторлик ва технологик саволларни қисқа вақт ичида ечиш масаласини қўймоқда. Шу сабабли машинасозлик технологияси, ишлаб чиқариш дастурига асосан белгиланган муддат ичида талаб этилган сифат даражасида меҳнат ҳамда моддий ресурсларни кам сарфлаган ҳолда машина ва механизмлар тайёрлаш қонуниятларини ўргатади.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефт-газ ва нефт-кимё саноатини,

машинасозлик, метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши лозим.

2. УМУМИЙ ҚИСМ.

2.1. Детални хизмат вазифаси.

Бизга берилган “Колонка” детали тракторнинг иккита валини уланиш жойида, иккита вал ишлаш пайтида ўқлари битта чизикда жойлашмайдиган шароитда айланма харакатни узатиш механизмида ишлайди. Детални иконструктив тузилишини ўрганиб чиқиб хизмат вазифасига мос равишда лойихаланганлигини кўрамиз. Детални шлицали юзасига муфта уланади. Чап тарафидаги $R=50$ радиусли ботиқликка шарнир тушади. Тўрта $\text{Ø}18\text{H}10$ тешик муфтага уланиш учун ишлатилади.

Детал 38Х ГОСТ 4343-71 маркадаги пўлатдан тайёрланган бўлиб унинг кимёвий таркиби ва механик хоссаларини қуйидаги жадвалларда келтирамиз.

1.1 жадвал.

38Х ГОСТ4543-71 материалнинг кимёвий таркиби.

Материал маркаси	Кимёвий таркиби,%				
	С	Мп	Si	Cr	Ni
38Х	0.34-0.42	0.5-0.8	0.17-0.37	0.8-1.1	<0.3

1.2 жадвал.

38Х ГОСТ4543-71 материалнинг механик хоссалари.

Материал маркаси	σ_T МПа	σ_B МПа	δ_5 %	α_H Дж/м ²
38Х	786	932	12	9

2.2. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш.

Технологик жараёнларни ишлаб чиқишда муҳим босқичлардан бири ишлаб чиқариш турини аниқлаш ҳисобланади. Шу сабабли технологик жараённи лойихалашни бошланғич босқичида бажарилади. Ишлаб чиқариш турини бир неча хил усулларида аниқланиши мумкин. Жумладан, бириктирилган операциялар коэффициент орқали аниқлаш мумкин, маълум

вақт мобайнида бўлимда бажариладиган технологик операциялар сони (О) ни шу бўлимдаги иш жойлари (Р) га нисбати бириктирилган операциялар коэффиценти (К) га тенг бўлади.

$$K = O/P \quad (1.2)$$

Машинасозликда ишлаб чиқариш турлари қуйидагича аниқланади.

$K \leq 1$ бўлса - ялпи ишлаб чиқариш

$1 < K \leq 10$ бўлса - кўп серияли ишлаб чиқариш

$10 < K \leq 20$ бўлса - ўрта серияли ишлаб чиқариш

$20 < K \leq 40$ бўлса, майда - "кичик" серияли ишлаб чиқариш

Доналаб ишлаб чиқаришда $K > 40$ бўлади.

Ишлаб чиқариш тури ва унга тўғри келадиган ишни ташкил қилиш формаси технологик жараёни характери ва уни тузилишини аниқлайди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш турини аниқлаш – деталга механик ишлов бериш технологик жараёнини лойихалашни бошланғич қисмини асосий босқичидир.

Ишлаб чиқариш турини жадваллар усули билан аниқланганда, деталнинг оғирлиги ва йиллик ишлаб чиқариш дастури талаб қилинади.

Бизда $N=2000$ дона ва $m=11.5\text{кг}$ бўлганда (/10/, 2ж., 18б.) ишлаб чиқариш тури ўрта серияли деб айтиш мумкин.

Берилган йиллик дастурга асосан ишлаб чиқариш қадами қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$T_B = \frac{F_k \cdot 60}{N}, \quad \frac{\text{дакика}}{\text{дона}} \quad (1)$$

Бу ерда: P_k – дастгоҳларнинг бир йиллик ҳақиқий ишлаш вақти фонди, соат. (1- сменали иш тартибида $P_k=2030$ соат, 2- сменали иш тартибида $P_k=4029$ соат;) ([2], 22 б, 2,1 ж);

N - йиллик ишлаб чиқариш дастури;

$$T_B = \frac{2030 \cdot 60}{2000} = 60,9 \frac{\text{дакика}}{\text{дона}}$$

Бўлимдаги иш тартиби асосан 1 сменали қабул қилинади.

Ялпи ишлаб чиқариш турида кейинги барча техник – иқтисодий ҳисоблар (1) формула орқали аниқланган ишлаб чиқариш қадамига асосланади. Серияли ишлаб чиқариш турларида эса, деталларга гуруҳларга бўлиб ишлов берилиши сабабли гуруҳлардаги деталлар сонини ҳисоблаб топиш талаб қилинади. Бу деталлар сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$n = \frac{N \cdot a}{F}, \text{ дона} \quad (2)$$

Бу ерда: а- гуруҳлардаги деталларни ишлов беришга киритилиш даври, кун (қуйидаги даврларда киритилиши киритилиш тавсия қилинади: 3, 6, 12, 24 кун);;

F- бир йилдаги ишчи кучлар, F= 254 кун.

$$n = \frac{2000 \cdot 6}{254} = 47,2 \text{ дона.}$$

2.3. Детал тузилишининг технологикликлиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари.

Технологикликга таҳлил меҳнат сиғими ва металл сарфини камайтириш имкониятларини аниқлаш, ишлов беришда иш унумдорлиги юқори бўлган усуллардан фойдаланиш, детални ишчи вазифасига салбий таосир кўрсатмаган ҳолда детал тайёрлаш таннархини камайтириш учун олиб борилади. Технологик жараёни ишлаб чиқишни бошланғич босқичида детални сифатли қулайлиги, унинг ишчи чизмасида ва техник талабларда кўрсатиб ўтилган маълумот бўйича детални тузилишидаги камчиликларини юзага чиқариш йўли билан аниқланади. Технологикликка таҳлилни қуйидаги кетма-кетликда олиб борамиз.

1. Детални чизмасини таҳлили шуни кўрсатдики детални ишчи вазифасини ўзгартирмаган ҳолда уни тузилиш элементларини қисқартириш имконияти йўқ.

2. Детални тузилиши ҳам ашё олишни рационал усулларида фойдаланишни имкониятини берилади.

3. Детални ишлов беришда қийинчилик туғдирадиган, мақсадга мувофиқ бўлмаган юза сифатида чап сирт қисмидаги $R=50$ ммли юзани кўрсатишимиз мумкин.
4. Детални тузилиши мустахкамлик ва мураккаб тузилиши каби сабабларга кўра иш унумдорлиги юқори бўлган ишлов бериш усулларида фойдаланишни чегаралаб қўймайди.
5. Материални ишлов берилувчанлигини ёритиш лезвияли ва абразив асбоблар билан ишлов бериш имконини беради.
6. Ҳамма операциялар учун ўрнатиш базалари мавжуд, қўшимча суний базаларга эҳтиёж йўқ.
7. Технологик ва ўлчов базаларини бирлигини таъминлаш мумкин.
8. Чизмада кўрсатилган барчи ўлчамларни бевосита ўлчаш мумкин.

Технологик ва аниқлик бўйича таҳлил технологик жараён маршрутини тузиш, дастгоҳларни танлаш, берилган аниқликка эришиш усуллари ва операциялардан сўнг назорат ишларини аниқлашга негиз бўлиб қолади.

Бажарилган таҳлил қуйидаги коэффициентларни аниқлашга имкон беради:

1. Конструктив элементларни унификацияланиш коэффициенти:

$$K_{y.3} = Q_{y.3} / Q_3 = 9 / 14 = 0,64$$

Бу ерда $Q_{y.3}$ ва Q_3 –унификацияланаган конструктив элементлар сони ва детални ҳамма элементлари сони.

2. Материалдан фойдаланиш коэффициенти

$$K_M = q / Q = 11,5 / 13 = 0,85$$

Бу ерда q - детал оғирлиги; Q -заготовка оғирлиги;

3. Ишлов бериш аниқлиги коэффициенти.

$$K_a = 1 - 1 / A_{yp};$$

Бу ерда

$$A_{yp} = \frac{(n_1 + 2n_2 + 3n_3 + \dots + 19n_{19})}{\sum_1^{19} n_i} = -$$

4.Юза ғадир будирлиги коэффициенти:

$$K_{uu} = \frac{1}{B_{\dot{y}p}};$$

Бу ерда

$$B_{\dot{y}p} = \frac{(0,01n_1 + 0,02n_2 + \dots + 40n_{13} + 80n_{14})}{\sum_1^{14} n_i}$$

Бажарилган тахлил йиғув бирикманинг берилган деталени тўғри лойихалашга имкон беради.

3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.

3.1. Заготовка турини танлаш ва уни олиш усулини аниқлаш.

Машина деталлари учун хом-ашё қуйидаги кўринишлардан иборат бўлиши мумкин:

- 1) чўян, пўлат, рангли металл ва пластмассалардан тайёрланган қуймалар;
- 2) болғаланган ва штампланган хом-ашё;
- 3) пўлатдан совутилган ва қиздирилган ҳолларда тайёрланган прокатлар ва рангли металл-прокатлари.

Хом-ашёнинг тури унинг материалига, шаклига, деталнинг хизмат вазифасига ва машиналарда йиғилган ҳолда ишлаш шарт-шароитларига боғлиқ бўлади.

Шаклдор деталлар ишлаш жараёнида чўзилиш ва эгилиш таъсирида бўлмаса одатда чўянлардан тайёрланади.

Болғалаш ёрдамида эгилишга, чўзилишга буралишга ишловчи ва кўндаланг кесими бўйича ўлчамларида фарқ бўлган деталларнинг хом-ашёлари тайёрланади. Болғалаш билан катта ўлчамли деталлар учун донали ва кичик серияли ишлаб чиқариш шароитида ёки бошқа ҳолларда кичик деталлар учун хом-ашё тайёрланади.

Штампланган хом-ашё штамплаш машиналарида олинади. Штампланган металлнинг структураси бир хиллиги билан ажралиб туради. Штампланган хом-ашёнинг шакли детал шаклига жуда яқин бўлиб, айрим ҳолларда механик ишлов берилмайди (деталларнинг айрим юзалари назарда тутилмоқда). Бу ўз навбатида металл сарфини камайтиради. Штамплаш жараёнининг иш унумдорлиги болғалашга нисбатан анча юқори. Ишчининг малакаси ҳам болғалашга нисбатан паст бўлиши мумкин. Штамплаш йўли билан серияли ва ялпи ишлаб чиқариш шароитларида қўл келади.

Айлана, квадрат, олти бурчакли прокатлардан тайёрланган хом-ашё ўз шакли бўйича юқоридаги кўринишларга яқин бўлган деталлар тайёрлашда қўлланилади.

Қайси турдаги хом-ашёни танлаш уни техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқилгандан сўнг амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Заготовкани олишни мавжуд усулларини таҳлил қилиб, берилган ишлаб чиқариш шароитида деталимиз учун заготовкани оптимал тайёрлаш усули штамплаш деб айтишимиз мумкин

$$S_{\text{заг}} = \left(\frac{C_1}{1000} \cdot Q \cdot R_t \cdot R_c \cdot R_b \cdot R_m \cdot R_n \right) - (Q - q) \frac{S_{\text{омх}}}{1000}, \text{сум}$$

Бу ерда

C_1 -бир тонна материал таннархи, сўм.

R_t -1.0([2],37 б.)-аниқлик коэффиценти;

R_c -0.84 ([2],2.12ж.,38 б.)-мураккаблик коэффиценти;

R_b -1.1 ([2],2.12ж.,38 б.)-коэффиценти;

R_m -0.84([2],3 б.)-материал коэффиценти;

R_n -1.0([2],34 б.)-сериаллаш коэффиценти;

3.2. Технологик жараён маршрутини ишлаб чиқиш.

Детал юзаларига механик ишлов бериш кетма-кетлигини тузишда, илгари аниқликга қилинган таҳлил, техник шартлар ва хом-ашёни тури инобатга олинади. Ишлов бериш режасини тузишда базалаш ва маҳкамлаш юзалари ҳам аниқланади.

3-жадвал.

Операция №	Ўтиш №	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Базалаш юзалари	Маҳкамлаш юзалари	Дастгоҳ номи ва тури
1	2	3	4	5	6

005		Пармалаш-фрезалаш- йўниб кегайтириш Позиция1	В	В	2А622МФ2 Пармалаш- фрезалаш- йўниб кегайтириш
	1	Г сирт юза 222 ^{±1,0} ўлчамда фрезалансин.			
	2	Марказий тешиқ пармалансин			
	3	4та Ø18Н10 тешиқ пармалансин.			
		Позиция2			
	4	А сирт юза 220 ^{±1,0} ўлчамда фрезалансин.			
	5	Марказий тешиқ пармалансин			
010		Токарлик.	Марказий	Е	16К20Ф3
	1	В,Л,К,З юзалар қора йўнилсин	тешиқлар		Токарлик РДБ
	2	С юза қора йўнилсин			
	3	С, В,Л,К,З юзалар тоза йўнилсин			
015		Шлица фрезалаш	Марказий		5А352ПФ2
	1	10x72a11x82f7 шлица фрезалансин	тешиқлар		Шлица фрезалаш
020		Пармалаш-фрезалаш- йўниб кегайтириш Позиция1	С ва В	С ва В	2А622МФ2 Пармалаш- фрезалаш-

	1	О юза Ø 60H12 ўлчамда йўниб кенгайтирилсин	Марказий тешик ва Г юза	В	йўниб кегайтириш
	2.	Марказий тешик пармалансин Позиция 2			
	3	Ø 120H12 тешик йўниб кенгайтирилсин ва 2x45° фаска йўнилсин	В	Е	
025	1	Доиравий жилвирлаш С юза қора ва тоза жилвирлансин	Марказий тешик	Е	3Т160 Доиравий жилвирлаш.
030	1	Шлица жилвирлаш 10x72a11x82f7 шлицанинг 12 f7 тишларни ёни жилвирлансин.	Марказий тешик	Е	3451 шлица жилвирлаш

3.3. Заготовкаи ишлов беришда қўйим миқдорини ҳисоби.

Берилган деталда $\text{Ø}85\text{d}10_{-0,235}^{-0,120}$ юзани йўниш учун қолдирилган қўйимлар миқдорини ва оралиқ чегаравий ўлчамларни ҳисоблаймиз.

Заготовкамиз штампланган усулида олинган бўлиб, оғирлиги 11,3 кг ни ташкил қилади. Ишлов бериш технологик маршрути 2та операциядан иборат бўлади, яъни қора йўниш. Бунда база вазифасини марказий тешик ва В ташқи цилиндрик юза ўтайди.

Қўйимлар ва $\varnothing 85d_{10}^{-0,120}_{-0,235}$ юзага ишлов бериш ҳисобини қуйидаги жадвалда келтирамиз. Бу жадвалда юзага ишлов бериш технологик маршрути кетма-кетлиги ва қўйим элементларининг ҳамма қийматлари ёзилади.

Заготовка юзасининг сифати:

$$Rz=150\text{мкм}; T=250\text{мкм}$$

Берилган заготовкамиз учун фазовий четланишларнинг умумий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S = \sqrt{S_{кор}^2 + S_{см}^2}$$

Юзани коробленияси:

$$S_{кор} = \Delta_{\kappa} L = 2 * 220 = 440 \text{ мкм}$$

$S_{см}$ ни [2]1876. 18 жадвалдан оламиз

$$S_{см} = 900\text{мкм}.$$

Демак фазовий четланиш умумий қиймати қуйидагига тенг бўлади:

$$S_1 = \sqrt{440^2 + 900^2} = 1002 \text{ мкм}$$

Қора ишлов беришдан сўнг қолдиқ фазовий четланиш қуйидагига тенг бўлади:

$$S_2 = S_1 \cdot 0.05 = 1002 \cdot 0.05 = 50 \text{ мкм}.$$

Ўрнатишда ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлаймиз.

$$\varepsilon_y = \sqrt{\varepsilon_m^2 + \varepsilon_{\sigma}^2}$$

Берилган деталда ўлчов база билан ўрнатиш базаси бир-бирига мос келгани учун базалаш хатолиги $\varepsilon_{\sigma}=0$ га деб қабул қиламиз. У ҳолда

$$\varepsilon_{y_1} = \varepsilon_m = 580\text{мкм}, \varepsilon_{y_2} = \varepsilon_{y_1} \cdot 0,05 = 580 \cdot 0,05 = 29 \text{ мкм}$$

Жадвалга киритилган қийматларга асосан оралик, ўтишлардан минимал қўйимларни қийматларини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$2Z_{\min} = 2\left(R_{Z_{i-1}} + H_{i-1} + \sqrt{S_{i-1}^2 + \varepsilon_i^2}\right)$$

Йўнишда минимал қўйим миқдори.

Қора

$$2Z_{\min 1} = 2\left(150 + 250 + \sqrt{1002^2 + 580^2}\right) = 2 \cdot 1557 \text{ мкм}$$

$$2Z_{\min 1} = 2\left(50 + 50 + \sqrt{50^2 + 29^2}\right) = 2 \cdot 158 \text{ мкм}$$

Ҳисобий ўлчамларни аниқлаймиз.

Қора йўниш учун

$$d_x = 84,765 + 0,316 = 85,081 \text{ мм}$$

$$d_x = 85,081 + 3,114 = 88,195 \text{ мм.}$$

Ҳар бир ўтиш учун четланиш миқдори ёки бу ишлов бериш туридан ҳосил бўладиган квалитетга мос ҳолда жадвалдан қабул қилинади.

Тоза ишлов бериш учун четланиш қиймати $\delta = 115$ мкм га тенглиги ишчи чизмадан маълум; қора ишлов бериш учун четланиш қиймати

$\delta = 540$ мкм заготовка учун четланиш қиймати $\delta = 1800$ мкм га тенг деб қабул қиламиз. [2]146б. 23 жадвал

Заготовкани қабул қилинган ўлчамларини ҳисоблаб топайлик.

Демак, тоза йўниш учун энг кичик чегаравий ўлчам 84,77 мм, энг каттаси эса $84,77 + 0,12 = 84,89$ мм; қора йўниш учун энг кичик чегаравий ўлчам 85,08 мм, энг каттаси эса $85,08 + 0,54 = 85,62$ мм

Заготовка учун энг кичик чегаравий ўлчам 88,2 мм энг каттаси эса

$$88,2 + 1,8 = 90,0 \text{ мм;}$$

Қўйимларни минимал Z_{\min}^{np} ва максимал Z_{\max}^{np} чегаравий ўлчамларини ҳисоблаб топамиз.

Қора йўнишда:

$$2Z_{\min 1}^{np} = 85,08 - 84,77 = 0,31 \text{ мм}$$

$$2Z_{\max 1}^{np} = 85,62 - 84,89 = 0,73 \text{ мм}$$

$$2Z_{\min 2}^{np} = 88,2 - 85,08 = 3,12 \text{ мм}$$

$$2Z_{\max 2}^{np} = 90,0 - 85,62 = 4,38 \text{ мм}$$

Демак,

$$\text{Умумий минимал қўйим} - 2Z_{yM_{\min}} = 310 + 3120 = 3430 \text{ мкм.}$$

$$\text{Умумий максимал қўйим} - 2Z_{yM_{\max}} = 730 + 4380 = 5110 \text{ мкм.}$$

Номинал қўйим $Z_{\text{НОМ}}=3430+1200-115=4515$ мкм.

$d_{\text{НОМ}}=85,0+4,52=89,52$ мм.

Бажарилган ҳисобларни тўғрилигини текшираамиз.

$$Z_{\text{max}_3}^{np} - Z_{\text{min}_3}^{np} = 730 - 310 = 420 \text{ мкм}$$

$$\delta_3 - \delta_4 = 540 - 120 = 420 \text{ мкм}$$

$$4380 - 3120 = 1260 \text{ мкм}$$

$$1800 - 540 = 1260 \text{ мкм}$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

Берилган деталда $L=220 \pm 0,575$ мм сақланган ҳолда А ва Г сирт юзаларни фрезалаш учун қолдирилган қўйимлар миқдорини ва оралик чегаравий ўлчамларни ҳисоблаймиз.

Заготовкамиз штамплаш усулида олинган бўлиб, оғирлиги 11,3 кг ни ташкил қилади. Ишлов бериш технологик маршрути 1та операциядан иборат бўлади, яъни фрезалаш. Бунда база вазифасини В ташқи цилиндрик юза ўтайди.

Заготовка юзасининг сифати:

$$Rz=150 \text{ мкм}; T=250 \text{ мкм}$$

Берилган заготовкамиз учун фазовий четланишларнинг умумий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S = \sqrt{S_{\text{кор}}^2 + S_{\text{см}}^2}$$

Юзани коробленияси :

$$S_{\text{кор}} = \Delta_k L = 2 * 220 = 440 \text{ мкм}$$

$S_{\text{см}}$ ни [2]187б. 18 жадвалдан оламиз

$$S_{\text{см}} = 900 \text{ мкм.}$$

Демак фазовий четланиш умумий қиймати қуйидагига тенг бўлади:

$$S_1 = \sqrt{440^2 + 900^2} = 1002 \text{ мкм}$$

Қора ишлов беришдан сўнг қолдиқ фазовий четланиш қуйидагига тенг бўлади:

Ўрнатишда ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлаймиз.

$$\varepsilon_y = \sqrt{\varepsilon_m^2 + \varepsilon_\delta^2}$$

Берилган деталда ўлчов база билан ўрнатиш базаси бир-бирига мос келгани учун базалаш хатолиги $\varepsilon_\delta=0$ га деб қабул қиламиз. У ҳолда

$$\varepsilon_{y_1} = \varepsilon_m = 580 \text{ мкм},$$

$$2Z_{\min} = 2(R_{Z_{i-1}} + H_{i-1} + \rho_{i-1} + \varepsilon_i)$$

Минимал қўйим миқдори.

$$2Z_{\min} = 2(150 + 250 + 1002 + 440) = 2 \cdot 1842 \text{ мкм}$$

Ҳисобий ўлчамни аниқлаймиз.

$$d_x = 219.525 + 3.684 = 223.209 \text{ мм}$$

Ҳар бир ўтиш учун четланиш миқдори ёки бу ишлов бериш туридан ҳосил бўладиган квалитетга мос ҳолда жадвалдан қабул қилинади.

Қора ишлов бериш учун четланиш қиймати $\delta=1150$ мкм га тенглиги ишчи чизмадан маълум; заготовка учун четланиш қиймати $\delta=2200$ мкм.га тенг деб қабул қиламиз. [2]146б. 23 жадвал

Заготовкани қабул қилинган ўлчамларини ҳисоблаб топайлик.

Демак, фрезалаш учун энг кичик чегаравий ўлчам 219.53мм, энг каттаси эса $219.53 + 1.15 = 220.68$ мм;

Заготовка учун энг кичик чегаравий ўлчам 223,21мм энг каттаси эса $223,21 + 2,2 = 225,41$ мм;

Қўйимларни минимал Z_{\min}^{np} ва максимал Z_{\max}^{np} чегаравий ўлчамларини ҳисоблаб топамиз.

Қора йўнишда:

$$2Z_{\min_3}^{np} = 223,21 - 219,53 = 3,68 \text{ мм} = 3680 \text{ мкм}$$

$$2Z_{\max_3}^{np} = 225,41 - 220,68 = 4,73 \text{ мм} = 4730 \text{ мкм}$$

Демак,

Умумий минимал қўйим — $2Z_{yM_{\min}} = 3680 \text{ мкм}$

Умумий максимал қўйим — $2Z_{yM_{\max}} = 4730 \text{ мкм}$

Номинал қўйим- $2Z_{\text{НОМ}} = 3680 + 1600 - 575 = 4705 \text{ мкм}$.

$$d_{\text{НОМ}} = 220 + 4,7 = 224,7 \text{ мм.}$$

Бажарилган ҳисобларни тўғрилигини текшираамиз.

$$Z_{\text{max}_3}^{np} - Z_{\text{min}_3}^{np} = 4730 - 3680 = 1050 \text{ мкм}$$

$$\delta_3 - \delta_4 = 2200 - 1150 = 1050 \text{ мкм}$$

Ҳисоб тўғри бажарилган.

3.4. Кесиш маромларини ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш.

005 Операция. Г сирт юза $222 \pm 0,575$ ўлчамда фрезалансин.

$h = 2,35 \text{ мм.}$, $Rz = 40 \text{ мкм.}$ Икки марта ўтиш билан фрезаланади

I. Кесувчи асбоб ва уни геометрик элементларини танлаймиз.

Сирт фреза танлаймиз. Фрезани диаметри $D = 1,6B = 1,6 \cdot 202 = 323 \text{ мм.}$

$D = 315 \text{ мм}$ қабул қиламиз. $Z = 30$. $d = 60 \text{ мм.}$

$$\varphi = 60^\circ; \alpha = 12^\circ; \gamma = -5^\circ; \lambda = +5^\circ; ([4]565 \text{ бет, 9-ж})$$

II. Кесиш маромлари.

1. Кесиш чуқурлиги.

$$t_1 = 1,2 \text{ мм.}$$

$$t_1 = 1,15 \text{ мм}$$

2. Суриш миқдори.

$$S_{\text{ж}} = 0,21 \text{ мм/тиш. } ([2], 2876)$$

$$S_{\text{т}} = S_{\text{ж}} \cdot K = 0,21 \cdot 0,8 = 0,17 \text{ мм/тиш.}$$

3. Фрезани турғунлик даври.

$$T = 180 \text{ дақ } ([3]5786.18 \text{ ж})$$

4. Кесиш тезлиги.

$$v = \frac{C_v D^q}{T^m \cdot t^x S_z^y \cdot B^u \cdot Z^p} \cdot K_v$$

$$C_v = 332, X_v = 0.1, Y_v = 0.4, m = 0.2, q = 0.2, u = 0.2, p = 0.$$

$$K_v = K_m \cdot K_i \cdot K_n$$

$$K_{m_v} = K_p \left(\frac{750}{\sigma_B} \right)^{n_v} = 0,8 \left(\frac{750}{932} \right)^{1,0_v} = 0,64$$

$$K_i = 1,0; K_n = 1,0;$$

$$v = \frac{332 \cdot 315^{0,2}}{180^{0,2} \cdot 1,2^{0,1} \cdot 0,17^{0,4} \cdot 202^{0,2} \cdot 30^0} \cdot 0,64 = \frac{332 \cdot 3,16}{2,83 \cdot 1,13 \cdot 0,49 \cdot 2,89} \cdot 0,64 = 148,3 \text{ м/дақ}$$

5. Шпинделни айланиш тезлиги

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 148,3}{3,14 \cdot 315} = 149 \text{ дақ}^{-1}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича айланишлар частотасини коррективка қилиб ҳақиқий айланишлар частотаси $n_{\text{ҳақ}}=125 \text{ дақ}^{-1}$ ни қабул қиламиз.

6.Кесиш жараёнида асосий ҳаракатнинг ҳақиқий тезлиги:

$$V_{\text{ҳақ}} = \frac{\pi D n_{\text{ҳақ}}}{1000} = \frac{3,14 \cdot 315 \cdot 125}{1000} = 123,2 \text{ м/дақ}$$

7.Суриш тезлиги

$$S_m = S_z \cdot Z_u \cdot n = 0,17 \cdot 30 \cdot 125 = 637 \text{ мм/дақ};$$

Дастгоҳ бўйича танлаймиз

$$S_m = 630 \text{ мм/дақ}$$

$$S_z = \frac{S_m}{Z \cdot n} = \frac{630}{30 \cdot 125} = 0,168 \text{ мм/дақ}$$

8. Кесиш кучи.

$$P_z = \frac{10 C_p t^x S_z^y B^u Z}{D^q n^w} K_{mp},$$

$$C_{P_z} = 825, \quad X_{P_z} = 1,0, \quad Y_{P_z} = 0,75, \quad u = 1,1 \quad q=1,3 \quad w=0,2.$$

$$K_{mp} = \left(\frac{\sigma_B}{750} \right)^n = \left(\frac{932}{750} \right)^{0,3} = 1,06$$

$$P_z = \frac{10 \cdot 825 \cdot 1,2^{1,0} \cdot 0,17^{0,75} \cdot 202^{1,1} \cdot 30}{315^{1,3} \cdot 125^{0,2}} \cdot 1,06 = \frac{10 \cdot 825 \cdot 2,35 \cdot 0,26 \cdot 343 \cdot 30}{1769 \cdot 2,63} \cdot 1,06 = 5562 \text{ Н}$$

9.Кесиш учун сарфланган қувват

$$N_e = \frac{P_z v}{1020 \cdot 60} = \frac{5562 \cdot 123,2}{1020 \cdot 60} = 10,57 \text{ Квт.}$$

Дастгоҳ электр юритмаси қуввати $N=15 \text{ Квт.}$

9.Асосий вақтни топамиз

$$L_{\text{и.ю.}} = l + y + \Delta$$

$$L = 202 \text{ мм.}$$

$$y = 0,5(D - \sqrt{D^2 - B^2}) = 0,5(315 - \sqrt{315^2 - 202^2}) = 36,5 \text{ мм}$$

$$\Delta = 3 \text{ мм}$$

$$t_1 = \frac{L_{u.юр.}}{S_b} = \frac{202 + 36,5 + 3}{630} = 0,38 \text{ дак};$$

$$t_2 = 0,38 \text{ дак}$$

Ўтиш 2. Ø 5Н8 марказий тешиқ пармалансин.

I. Кесувчи асбобни ва уни геометрик элементларини танлаймиз

Марказловчи парма Ø 5h8, материали Р6М5 тезкесар пўлат, ГОСТ14952-75;

II. Кесиш маромини белгилаймиз. ([6] маълумотнома бўйича).

1. Кесиш чуқурлигини белгилаймиз. $t=2.5$ мм.

2. Суриш қийматини аниқлаймиз. ([2], 2776)

$$S=0.2 \text{ мм/айл .}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича коррективкалаб $S=0.2$ мм/айл ни қабул қиламиз.

3. Пармани турғунлик даврини аниқлаймиз.

$$T=25 \text{ дак} ([4], 2796)$$

4. Кесишда асосий ҳаракатни тезлигини аниқлайлик. (м/мин.).

$$v = \frac{C_v D^q}{T^m \cdot S^{y_v}} \cdot K$$

17-жадвалдан (270б) формуладаги коэффицентлар ва даража кўрсаткичларни ёзиб оламиз.

$$C_v=7,0; q=0.4; Y_v=0.7; m=0.2;$$

Тўғрилаш коэффицентларини эътиборга оламиз.

$$K_v = K_m K_n K_t$$

$$K_{m_v} = K_r \left(\frac{750}{\sigma_s} \right)^{n_v} = 0.8 \left(\frac{750}{932} \right)^{0.9} = 0,66 \text{ ([2], 1-ж.261б)}$$

$$n_v=0.9 \quad ([2], 2-ж, 262б)$$

$$\text{Демак, } K_l = 1.0, \quad K_{u_v} = 1.0$$

Юқоридаги ҳамма тўғрилангаш коэффицентларини эътиборга олиб кесиш тезлигини ҳисоблаймиз.

$$v = \frac{7 \cdot 5^{0.4}}{25^{0.2} \cdot 0.2^{0.7}} \cdot 0.66 \cdot 1.0 \cdot 1.0 = \frac{7 \cdot 1.9}{1.9 \cdot 0.32} \cdot 0.66 = 14,4 \text{ м/мин}$$

5. Шпинделни айланишлар частотасини ҳисоблаймиз.

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 14,4}{3.14 \cdot 5} = 911 \text{ дак}^{-1}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича айланишлар частотасини коррективровка қилиб ҳақиқий айланишлар частотаси $n_{\text{ҳақ}}=800 \text{ дак}^{-1}$ ни қабул қиламиз.

6. Кесиш жараёнида асосий ҳаракатнинг ҳақиқий тезлиги:

$$V_{\text{ҳақ}} = \frac{\pi D n_{\text{ҳақ}}}{1000} = \frac{3.14 \cdot 5 \cdot 800}{1000} = 12,56 \text{ м/мин}$$

7. Буровчи моментни топамиз.

$$M_{\delta} = 10 C_M D^q S^y K_p.$$

$$C_M = 0,0345; \quad q = 2,0; \quad y = 0,8;$$

$$K_p = K_{MP} = \left(\frac{\sigma_B}{750} \right)^n = \left(\frac{932}{750} \right)^{0,75} = 1,18$$

$$M_{\delta} = 10 C_M D^q S^y K_p = 10 \cdot 0,0345 \cdot 5^{2,0} \cdot 0,2^{0,8} \cdot 1,18 = 0,4 \text{ нм.}$$

7. Кесиш учун сарфланган қувват:

$$N_{\text{кес}} = \frac{M_{\delta} \cdot n}{60 \cdot 102}; \text{ кВт}$$

$$N_{\text{кес}} = \frac{0,4 \cdot 800}{60 \cdot 1020} = 0,01 \text{ кВт}$$

Асосий вақтни ҳисоблаймиз.

$$T_a = \frac{L \cdot i}{n \cdot S}$$

Кескични ишчи юриш узунлиги $L = l + y + \Delta$

бу ерда: $y = t \cdot \text{ctg} \phi = 1,5 \cdot \text{ctg} 45 = 1,5 \cdot 1 = 1,5 \text{ мм}$, кескични ботиши

$\Delta = 2 \text{ мм}$, кескични чиқиши

$l = 1$, ўтишлар сони

$$L = 12 + 1,5 + 2 = 15,5 \text{ мм}$$

$$T_a = \frac{15,5}{800 \cdot 0,2} = 0,08 \text{ дак}$$

Ўтиш 3. 4та Ø18H10 тешиқ пармалансин.

I. Кесувчи асбобни ва уни геометрик элементларини танлаймиз

Спирал парма Ø 18h10, материалиР6М5 тезкесар пўлат, ГОСТ14952-75;

II. Кесиш маромини белгилаймиз. ([6] маълумотнома бўйича).

1.Ишчи юриш узунлигини топамиз

$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}}$ ([2], 303б)

$L_{\text{кес}} = 18 \text{ мм}$

$y = 4 \text{ мм}$.

$L_{\text{к}} = 2 \text{ мм}$ ([2], 301б)

$L_{\text{и.юр.}} = 18 + 4 + 2 = 24 \text{ мм}$.

2.Кесиш чуқурлигини белгилаймиз. $t = 9 \text{ мм}$.

3.Суриш қийматини аниқлаймиз. ([2], 277б)

$S = 0.1 \text{ мм/айл}$

Дастгоҳ паспорти бўйича коррективкалаб $S = 0.1 \text{ мм/айл}$ ни қабул қиламиз.

4.Пармани турғунлик даврини аниқлаймиз.

$T = 25 \text{ дақ}$ ([4], 279б)

4.Кесиш тезлигини хисоби

$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ}$;

$V_{\text{ж}} = 26 \text{ м/дақ}$.

$K_1 = 0.85$ ([2], С-4, 115б)-материалга боғлиқ коэффициент;

$K_2 = 1.15$ ([2], С-4, 115б)- кесувчи асбоб турғунлигига боғлиқ коэффициент;

$K_3 = 1.0$ ([2], С-4, 115б)- диаметрини кесиш узунлигига нисбатига боғлиқ коэффициент;

$V = 26 \cdot 0.85 \cdot 1.15 = 25,4 \text{ м/дақ}$;

5, Шпинделни айланишлар сонини топамиз

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 25,4}{3.14 \cdot 18} = 449 \text{ айл / дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз $n = 400 \text{ айл/дақ}$;

6.Ҳақиқий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 18 \cdot 400}{1000} = 22,6 \text{ м/дақ};$$

7. Асосий вақтни топамиз.

$$t = \frac{L_{и.юр.}}{n \cdot S_0} = \frac{24}{400 \cdot 0,1} = 0,6 \text{ дақ};$$

$$\sum t = 0,6 \cdot 4 = 2,4 \text{ дақ}$$

Ўтиш 4.А сирт юза $220^{\pm 1,0}$ ўлчамда фрезалансин.

Кесувчи асбоб: Сирт фреза танлаймиз. ГОСТ9473-80. D=125; z=12;

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{и.юр.} = L_{кес} + y + L_k \quad ([2], 303б)$$

$$L_{кес} = 82 \text{ мм}$$

$$y = 20 \text{ мм.}$$

$$L_k = 2 \text{ мм} \quad ([2], 301б)$$

$$L_{и.юр.} = 82 + 20 + 2 = 104 \text{ мм};$$

2. Фрезани тишига суриш қийматини аниқлаймиз

$$S_z = 0,15 \text{ мм/тиш} \quad ([2], \Phi-2, 83 б)$$

3. Фрезани турғунлик даврини топамиз

$$T = 120 \text{ дақ.} \quad ([2], \Phi-3, 87б)$$

4. Кесиш тезлигини хисоби

$$V = V_{ж} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ};$$

$$V_{ж} = 240 \text{ м/дақ.}$$

$K_1 = 0.8$ ([2], $\Phi-4$, 88 б)- ишлов бериш ўлчамига боғлиқ коэффициент;

$K_2 = 1.0$ ([2], $\Phi-4$, 88 б)- ишлов берилаётган юзага боғлиқ коэффициент;

$K_3 = 1.0$ ([2], $\Phi-4$, 88б)- кесувчи асбобга боғлиқ коэффициент;

$$V = 240 \cdot 0.8 \cdot 1.0 \cdot 1.0 = 192 \text{ м/дақ};$$

5. Шпинделни айланишлар сонини топамиз

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 192}{3.14 \cdot 125} = 489 \text{ айл/дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз $n = 400$ айл/дақ;

6. Ҳақиқий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 125 \cdot 400}{1000} = 157 \text{ м / дак};$$

$$7. S_m = S_z \cdot Z_u \cdot n = 0,15 \cdot 12 \cdot 400 = 720 \text{ мм / дак};$$

Дастгоҳда суриш поғонасиз

8. Асосий вақтни топамиз

$$t = \frac{L_{u.юр.}}{S_b} = \frac{104}{720} = 0,15 \text{ дак};$$

10. Кесиш қувватини топамиз.

$$N_{кес} = E \frac{v \cdot z}{1000} k_1 \cdot k_2 = 1,4 \frac{157 \cdot 2 \cdot 12}{1000} 1 \cdot 0,9 = 4,5 \text{ кВт}$$

K_1 -материалга боғлиқ коэффициент;

$$K_1 = 1,0 \quad ([2], \Phi-5,101 \text{ б})$$

K_2 -фрезани турига боғлиқ коэффициент;

Дастгоҳ шпинделидаги қувват билан солиштирамиз

$$N_{кес} < N_{ш} = N_{э.д.} \cdot \mu = 15 \cdot 0,8 = 12 \text{ кВт.}$$

Ўтиш 5. Марказий тешик пармалансин

I. Кесувчи асбобни ва уни геометрик элементларини танлаймиз

Марказловчи парма $\emptyset 5h8$, материали Р6М5 тезкесар пўлат, ГОСТ14952-75;

II. Кесиш маромини белгилаймиз. ([6] маълумотнома бўйича).

1. Кесиш чуқурлигини белгилаймиз. $t = 2.5$ мм.

2. Суриш қийматини аниқлаймиз. ([2], 277б)

$$S = 0.2 \text{ мм/айл.}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича коррективроқалаб $S = 0.2$ мм/айл ни қабул қиламиз.

3. Пармани турғунлик даврини аниқлаймиз.

$$T = 25 \text{ дак} ([4], 279б)$$

4. Кесишда асосий ҳаракатни тезлигини аниқлайлик. (м/мин, 265б).

$$v = \frac{C_v D^q}{T^m \cdot S^{y_v}} \cdot K$$

17-жадвалдан (270б) формуладаги коэффициентлар ва даража кўрсаткичларни ёзиб оламиз.

$$C_v=7,0; q=0.4; Y_v=0.7; m=0.2;$$

Тўғрилаш коэффициентларини эътиборга оламиз.

$$K_v=K_M K_n K_t$$

$$K_{M_v} = K_r \left(\frac{750}{\sigma_6} \right)^{n_v} = 0.8 \left(\frac{750}{932} \right)^{0.9} = 0,66 \text{ ([2], 1-ж.261б)}$$

$$n_v=0.9 \quad ([2], 2-ж, 262б)$$

Демак,

$$K_l = 1.0, \quad K_{u_v} = 1.0$$

Юқоридаги ҳамма тўғрилангаш коэффициентларини эътиборга олиб кесиш тезлигини ҳисоблаймиз.

$$v = \frac{7 \cdot 5^{0.4}}{25^{0.2} \cdot 0.2^{0.7}} \cdot 0.66 \cdot 1.0 \cdot 1.0 = \frac{7 \cdot 1.9}{1.9 \cdot 0.32} \cdot 0.66 = 14,4 \text{ м / мин}$$

5. Шпинделни айланишлар частотасини ҳисоблаймиз.

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 14,4}{3.14 \cdot 5} = 911 \text{ дак}^{-1}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича айланишлар частотасини коррективка қилиб ҳақиқий айланишлар частотаси $n_{\text{хак}}=800 \text{ дак}^{-1}$ ни қабул қиламиз.

6. Кесиш жараёнида асосий ҳаракатнинг ҳақиқий тезлиги:

$$V_{\text{хак}} = \frac{\pi D n_{\text{хак}}}{1000} = \frac{3.14 \cdot 5 \cdot 800}{1000} = 12,56 \text{ м / мин}$$

7. Буровчи моментни топамиз.

$$M_{\bar{\sigma}} = 10 C_M D^q S^y K_p.$$

$$C_M=0,0345; \quad q=2,0; \quad y=0,8;$$

$$K_p = K_{M_p} = \left(\frac{\sigma_B}{750} \right)^n = \left(\frac{932}{750} \right)^{0.75} = 1,18$$

$$M_{\bar{\sigma}} = 10 C_M D^q S^y K_p = 10 \cdot 0,0345 \cdot 5^{2,0} \cdot 2^{0,8} \cdot 1,18 = 0,4 \text{ нм.}$$

7. Кесиш учун сарфланган қувват:

$$N_{\text{кес}} = \frac{M_{\bar{\sigma}} \cdot n}{60 \cdot 102}; \text{ кВт}$$

$$N_{\text{кес}} = \frac{0,4 \cdot 800}{60 \cdot 1020} = 0.01 \text{ кВт}$$

Асосий вақтни ҳисоблаймиз.

$$T_a = \frac{L \cdot i}{n \cdot S}$$

Кескични ишчи юриш узунлиги $L=l+y+\Delta$

бу ерда: $y=t \cdot \operatorname{ctg}\varphi=1.5 \cdot \operatorname{ctg}45=1.5 \cdot 1=1.5$ мм, кескични ботиши

$\Delta=2$ мм, кескични чиқиши

$l=1$, ўтишлар сони

$$L=12+1.5+2=15.5 \text{ мм}$$

$$T_a = \frac{15,5}{800 \cdot 0.2} = 0.08 \text{ дақ}$$

Токарлик операцияси.

Ўтиш 1. В,Л,К,З юзалар қора йўнилсин.

Кесувчи асбоб токарлик контурли йўниш кескич. ГОСТ20872-80

Кесувчи қисми материали Т15К6.

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}} \quad ([2], 303\text{б})$$

$$L_{\text{кес}} = 196 + \frac{210-86}{2} + 6 = 264 \text{ мм}$$

$$y=2\text{мм.}$$

$$L_{\text{к}} = 2\text{мм} \quad ([2], 300\text{б})$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 264 + 2 + 2 = 268\text{мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз

$$S_o = 0,6 \text{ мм/айл} \quad ([2], \text{T-3, 26 б})$$

Дастгоҳ бўйича $S_o = 0,6$ мм/айл;

3. Кесувчи асбоб турғунлигини топамиз

$$T = 60\text{дақ.} \quad ([2], \text{T-3, 26 б})$$

4. Кесиш тезлигини ҳисоби

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 K_2 K_3, \text{ м/дақ;}$$

$$V_{\text{ж}} = 140 \text{ м/дақ.}$$

$K_1 = 0.8$ ([2], Т-4, 29 б)-материалга боғлиқ коэффицент;

$K_2 = 1.0$ ([2], Т-4, 26 б)- кесувчи асбоб турғунлигига боғлиқ коэффицент;

$K_3 = 1.0$ ([2], Т-4, 26 б)- диаметрини кесиш узунлигига нисбатига боғлиқ коэффициент;

$$V = 140 \cdot 0.8 \cdot 1,0 \cdot 1,0 = 112 \text{ м/дақ};$$

5. Шпинделни айланишлар сонини топамиз

$$n_1 = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 112}{3.14 \cdot 86} = 414 \text{ айл / дақ}$$

$$n_2 = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 112}{3.14 \cdot 210} = 169 \text{ айл / дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз $n_{ст1} = 400$ айл/дақ;

$n_{ст2} = 160$ айл/дақ;

6. Ҳақиқий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 86 \cdot 400}{1000} = 108 \text{ м / дақ};$$

7. Асосий вақтни топамиз.

$$t = \frac{L_{и.юр.}}{n \cdot S_0} = \frac{198}{400 \cdot 0,6} + \frac{66}{160 \cdot 0,6} = 0,83 + 0,69 = 1,51 \text{ дақ};$$

8. Кесиш қувватини топамиз

$$N = N_{таб} \frac{V}{100} K_7 = 2,6 \frac{108}{100} \cdot 1,1 = 2,5 \text{ квт};$$

Ўтиш 2. С юза $\varnothing 83,5 \times 12$ ўлчамда қора йўнилсин.

Кесувчи асбоб токарлик контурли йўниш кескич. ГОСТ 20872-80

Кесувчи қисми материали Т15К6.

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{и.юр.} = L_{кес} + y + L_k \quad ([1], 303б)$$

$$L_{кес} = 100 \text{ мм}$$

$$y = 2 \text{ мм.}$$

$$L_k = 2 \text{ мм} \quad ([2], 300б)$$

$$L_{и.юр.} = 100 + 2 + 2 = 104 \text{ мм}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз

$$S_0 = 0,6 \text{ мм/айл} \quad ([2], Т-3, 26 б)$$

Дастгоҳ бўйича $S_0 = 0,6$ мм/айл;

3. Кесувчи асбоб турғунлигини топамиз

$$T = 60 \text{ дақ. ([2], Т-3, 26 б)}$$

4. Кесиш тезлигини хисоби

$$V = V_{ж} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{ м/дақ;}$$

$$V_{ж} = 140 \text{ м/дақ.}$$

$K_1 = 0.8$ ([2], Т-4, 29 б)- материалга боғлиқ коэффициент;

$K_2 = 1.0$ ([2], Т-4, 26 б)- кесувчи асбоб турғунлигига боғлиқ коэффициент;

$K_3 = 1.0$ ([2], Т-4, 26 б)- диаметрини кесиш узунлигига нисбатига боғлиқ коэффициент;

$$V = 140 \cdot 0.8 \cdot 1.0 \cdot 1.0 = 112 \text{ м/дақ;}$$

5. Шпинделни айланишлар сонини топамиз

$$n_1 = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 112}{3.14 \cdot 83,5} = 427 \text{ айл / дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз $n_{ст1} = 400$ айл/дақ;

6. Ҳақиқий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 83,5 \cdot 400}{1000} = 105 \text{ м / дақ;}$$

7. Асосий вақтни топамиз.

$$t = \frac{L_{и.юр.}}{n \cdot S_0} = \frac{104}{400 \cdot 0,6} = 0,43 \text{ дақ;}$$

8. Кесиш қувватини топамиз

$$N = N_{таб} \frac{V}{100} K_7 = 2,6 \frac{104}{100} 1,1 = 2,4 \text{ квт;}$$

Ўтиш 3. С, В, Л, К, З юзалар тоза йўнилсин.

Кесувчи асбоб токарлик контурли йўниш кескич. ГОСТ20872-80

Кесувчи қисми материали Т15К6.

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{и.юр.} = L_{кес} + y + L_k \text{ ([1], 303б)}$$

$$L_{кес} = 196 + \frac{210 - 86}{2} + 6 = 264 \text{ мм мм}$$

$$y = 2 \text{ мм.}$$

$$L_k = 2\text{мм} \text{ ([2], 300б)}$$

$$L_{\text{и.юр.}} = 264 + 2 + 2 = 268\text{мм}$$

2.Суриш қийматини аниқлаймиз

$$S_0 = 0,2 \text{ мм/айл} \text{ ([2], T-3,26 б)}$$

Дастгоҳ бўйича $S_0 = 0,2 \text{ мм/айл}$;

3. Кесувчи асбоб турғунлигини топамиз

$$T = 60\text{дақ.} \text{ ([2], T-3, 26 б)}$$

4.Кесиш тезлигини ҳисоби

$$V = V_{\text{ж}} \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3, \text{м/дақ;}$$

$$V_{\text{ж}} = 140 \text{ м/дақ.}$$

$K_1 = 0.8$ ([2], T-4, 29 б)-материалга боғлиқ коэффициент;

$K_2 = 1.0$ ([2], T-4, 26 б)- кесувчи асбоб турғунлигига боғлиқ коэффициент;

$K_3 = 1.0$ ([2], T-4, 26 б)- диаметрини кесиш узунлигига нисбатига боғлиқ коэффициент;

$$V = 140 \cdot 0.8 \cdot 1.0 \cdot 1.0 = 112 \text{ м/дақ;}$$

5, Шпинделни айланишлар сонини топамиз

$$n_1 = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 112}{3.14 \cdot 85} = 420 \text{ айл / дақ}$$

$$n_2 = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 112}{3.14 \cdot 210} = 169 \text{ айл / дақ}$$

Дастгоҳ бўйича қабул қиламиз $n_{\text{ст1}} = 400 \text{ айл/дақ}$;

$n_{\text{ст2}} = 160 \text{ айл/дақ}$;

6.Ҳақиқий кесиш тезлигини аниқлаймиз

$$V = \frac{\pi \cdot D \cdot n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 85 \cdot 400}{1000} = 105 \text{ м / дақ;}$$

7.Асосий вақтни топамиз.

$$t = \frac{L_{\text{и.юр.}}}{n \cdot S_0} = \frac{198}{400 \cdot 0,2} + \frac{66}{160 \cdot 0,2} = 2,47 + 2,06 = 4,53 \text{ дақ;}$$

015 Операция. Шлица фрезалаш.

10x72a11x82f7 шлица фрезалансин

I. Кесувчи асбоб танлаймиз. Шлица фрезаловчи червяк фреза. Мтериали P18 тезкесар пўлат. Модули $m_0=2,5$ мм. аниқлик синфи C. $D=112$, $L=90$, $Z=12$. (1966). Олдинги юзани ўткирланиш бурчаги $\gamma_s = 10^\circ$;

II. Кесиш маромлари.

1. Кесиш чуқурлиги. $t=2.2 \cdot 2,5=5,5$ мм.

2. Вални бир марта айланишига берилувчи суриш.

$S_0=1.7$ мм/айл

3. Фрезани турғунлик даври.

$T=240$ дақ.

4. Кесиш тезлиги.

$V_T=22,5$ м/дақ

$K_1=0,85$

$K_2=1,2$

$V=22,5 \cdot 0,85 \cdot 1,2=22,95$ м/дақ.

5. Фрезани айланишлар сони.

$$n = \frac{1000v}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 22,95}{3,14 \cdot 112} = 65 \text{ айл/дақ.}$$

5. Дастгоҳ паспорти бўйича.

$n_{ст}=80$ айл/дақ.

6. Ҳақиқий тезлик.

$$V_x = \frac{\pi d n_{cm}}{1000} = \frac{3,14 \cdot 112 \cdot 80}{1000} = 28,1 \text{ м/дақ.}$$

7. Асосий вақт.

$$T_0 = \frac{Lz}{nS_0k} = \frac{(100+50)10}{80 \cdot 1,7 \cdot 1} = 31,8 \text{ дақ}$$

020 Операция. Пармалаш-фрезалаш-йўниб кенгайтириш

Позиция 1.

Ўтиш 1. О юза $\varnothing 60H12$ ўлчамда йўниб кенгайтирилсин

Кесувчи асбоб токарлик контурли йўниш кескич. ГОСТ20872-80

Кесувчи қисми материали T15K6.

1. Ишчи юриш узунлигини топамиз

$$L_{\text{и.юр.}} = L_{\text{кес}} + y + L_{\text{к}} \quad ([2], 3036)$$

$$L_{\text{кес}} = 30 \text{ мм}$$

$$y = 2 \text{ мм.}$$

